

Набий алайҳиссаломнинг намозлари | Сийрат дарслари (262-дарс)



19:00 / 29.12.2023 3498

347. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнгларига ва чапларига салом берар ва: **«Ас-Салому алайкум ва раҳматуллоҳ, ас-Салому алайкум ва раҳматуллоҳ»**, дер эдилар».

Термизий, Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

348. Муҳаммад ибн Амр ибн Атодан ривоят қилинади:

«Абу Ҳумайд Соъидий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан ўн кишининг, жумладан, Абу Қатоданинг олдида: «Мен

орангизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини энг яхши ёдлаб қолганингизман», деди. «Қанақасига?! Сен ичимизда у зотга кўп эргашганимиз ҳам эмассан, суҳбатинг қадимгимиз ҳам эмассан», дейишди. «Шундай», деди. «Кўрсат-чи!» дейишди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга турсалар, қўлларини елкалари баробарида кўтарар эдилар. Сўнгра такбир айтиб, ҳар бир суяк ўз жойида қарор топгунча мўътадил турар, кейин қироат қилардилар. Сўнгра такбир айтиб, қўлларини елкалари баробар кўтарар ва рукуъ қилиб, кафтларини тиззаларига қўяр эдилар. Кейин тўғриланар ва бошларини паст ҳам, баланд ҳам қилмас эдилар. Сўнгра бошларини кўтарар ва: **«Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ»**, дердилар. Кейин мўътадил туриб, қўлларини елкалари боробарига кўтарардилар. Сўнг: **«Аллоҳу акбар!»** деб ерга йиқилардилар. Икки қўлларини ёнбошларидан узоқлаштирардилар. Кейин бошларини кўтариб, чап оёқларини ёзар ҳамда унинг устига ўтирардилар. Сажда қилганларида оёқ панжаларини ёзар ва сажда қилардилар. Кейин: **«Аллоҳу акбар!»** дердилар. Бошларини кўтариб, чап оёқларини ёзар ҳамда унинг устига ҳар бир суяк ўз жойига қайтгунча ўтирардилар. Иккинчи ракатда ҳам худди шундай қилардилар. Сўнгра иккинчи ракатдан турсалар, такбир айтар ва худди намозни бошлашдаги каби қўлларини елкалари баробарида кўтарар эдилар. Кейин намозларининг қолганида шундай қилар эдилар. Салом беришдаги сажда бўлганида чап оёқларини ортга сурар ва чап ёнларига қийшайиб ўтирардилар», деди. «Рост айтдинг! У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай намоз ўқирдилар», дейишди».

Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.